

ИНКИЛОБНИНГ ОТАШИ ФАРЗАНДИ

НИМА?
ҚАЧОН?
ҚАЕРДА?

18-24 апрель
КОМСОМОЛНИНГ
ШОИЛИ ЯЪЛИ

Бу йил мамлакатимиз ҳалқлари ва совет ёшлари Ленин комсомолни ташкил топган кунининг 70 йиллигини эфр таъна билан нишонлайди. Бу санага атаб қизғин тадбирлар ўтказиб бормоқда.

Ўзбекистон Ленин комсомолни Марказий Комитетининг таъсири билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари ижодкор ёшларининг шеърини, қўшиқлар ва рақслар фестивалини ўтказиб ҳозирги кунда кўрилади. Қардош республикаларнинг ижодкор ёшлари ва дўст мамлакат — Афғонистон саноат усталари бу фестивалга 21 апрель кунини етиб келди.

22 апрель кунини Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида бошланган дўстлик ва интернационализм байрами Ленин комсомолининг шонли тарихий йиллини улуғлайди.

Шундан кейин фестивалда қатнашчилар махсус поездада Самарканд, Хива, Бухоро, Қўқон шаҳрларида бўлиб, муассасалар ва ўқув юртиларида тенгдошлари билан учрашди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ҳалқлар дўстлигининг ёрқин намоёнишига айланди.

Ёшларнинг катта дўстлигини фестивал 28 апрель кунини Тошкентда яқуллади.

«ТОШКЕНТДА ТУМАН»

Музикали театр ижодий коллективини яна бир янги саҳна асарини тайёрлади. У ёш драматург Исроилю Тўхтаевнинг «Тошкентда туман» деб номланган музикали драматургияси. Янги саҳна асарига бастакор Муҳаммад Бафлов музика басталаган. Саҳналаштирувчи режиссёр Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Икhtiёр.

Асардаги бош ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Сурат Пулатов, Хусан Шарипов, артистлардан Меҳри Бекжонова, Абдушариф Салимов, Фураят Салимов, Маъруф Отақонов, Зулайхо Вайхонова ижро этмоқдалар.

Янги музикали саҳна асари турмушимизда кейинги йилларда юз берган салбий ҳолатларни фойда этиш, ва уларни тат-томири билан йўқотиш мақсадалига бағишланган. Тошкентнинг спектакли намоёниши давомида ҳозирги пайтда ҳамма жойда олиб борилаётган қайта қуриш ва яддаллаштириш борасида ариштиланган дастлабни кутулар билан ҳам танишди.

«АЛВИДО, ҲАЁТ»

Тошкентдаги «Ёш гвардия» театри коллективни драматург Н. Эрдманнинг «Алвидо, ҳаёт» сатирик комедиясини саҳналаштирди (К. Мирмуҳаммадов таржимаси). Унда ҳозирги пайтда совет инкилбининг ошқоралик, демократия учун олиб бораётган тадбирлари ҳақида фикр юритилди. Бундан ташқари тарихий ҳақиқатларни ўқитиш қилаётган барча драма иллатлар фойда этилади.

Асардаги бош ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Сурат Пулатов, Хусан Шарипов, артистлардан Меҳри Бекжонова, Абдушариф Салимов, Фураят Салимов, Маъруф Отақонов, Зулайхо Вайхонова ижро этмоқдалар.

Янги спектакль 21 апрель кунини биринчи марта томошабинлар диққатига ҳавола этилади.

ПОЯТХИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Омекдаги Ленин комсомолни номидаги ёш томошабинлар театри коллективини шаҳримизга меҳмон бўлиб келди. Қардошларимиз 20 апрелдан 24 майгача бир қатор саҳна асарларини ёш томошабинларга намоёниши қилишди. Театр репертуаридан ўрин олган асарларнинг кўпчилиги замонавий мавзуда яратилган бўлиб, уларда совет ёшларининг ҳаёти, эртанги истибтолга эришиш учун кураши ҳақида ҳикоя қилинади.

Саҳна асарларидан бири Михаил Ромчинининг «Қалти хато» асари 17 ёшли рус қизини Надежда Белоголованинг ҳаётидан олинган лавҳаларидир. Гастроль давомида Лев Корсунскийнинг «Ўзбекистон», Евгений Шварцнинг «Қизил шапка», Валерий Муравьевнинг «Уй боғини қаредда қилишди», Константин Сергеевнинг «Хайр, яхшилик» сингари асарларини ўрин олган.

Омек театр санъати усталари ўз асарларини Тошкентдаги рус ёш томошабинлар театри, Гагарин номидаги тўғимчилар, аниқсозлар, тракторчилар маданият саройларида намоёниши қилишди.

БИЛИМЛАР УИДА

Тошкент шаҳар «Билим» жамиятининг Билимлар уидада шу ҳафтада тилишчилар учун бир қатор қизғин тадбирлар ўтказилди.

19 апрель соати 19 да бўладиган машғулотда «Янлар ва оқлар: тарих ҳақида» туркумидан «Совет номидаги тарихда йилнинг сийёси арбоблар ва уларни объектив баҳолаш масалалари» ҳақида суҳбат тингланди.

23 апрель соати 19 да ва 24 апрель соати 12 да Ўзбекистон интисоҳатчилар клубининг 104-учируви ўтказилди. Унда таълим инжонери С.В. Хужаев кинохаваскорларга фильмлар яратиш ҳақида ўзининг бой тажрибаларини галириб бериди.

А. ПЛАТОВ.

Узилган чечаклар

Донолар халқнинг тараққиёт, маданият даражаси унинг хотин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланади деганлар. Том матнода анели, маданиятчи шахс бўлган Ҳамза Ўзбек хотин-қизларнинг асоратда яшаётганидан азиз чеккан, унга ёрдам кўрсатиш йўллари излаган.

«Иштироки» газетасида Қўндузхоним имзоси билан эълон этилган «Хотин-қизлар товуши» лавҳасида беҳад қувонган Ҳамза ўша газетанинг 1920 йил 16 март сониди ўзининг «Янгилар товуши» мақоласи билан чиқади. У Қўндузхонимнинг хотин-қизларни саводли, маълумотли қўриш орау-истакларини, аниқ режаларини қўлаб-қувватлайди ва бу йўлда амалий ёрдамга тайёригини билдиради.

Революция ғалабаси хотин-қизларга берган буюк имтиёзларни ҳаётда жорий этишга киришган ижодкорлар орасида биринчилардан бўлган Ҳамза учун хотин-қизлар овозини, ижтимоий ҳаётга жалб этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни катта-кичиги бўлмаган. Хотин-қизларга берилган эркинлик ва тенг ҳуқуқлини меъсимаган, онгига сингир кетган эскиликдан воз кеча олганларни матбуот орқали ҳам, фойда қилишнинг бошқа йўллари билан ҳам унумли фойдаланишда ташаббус кўрсатган.

Ҳамза ўзининг «Шундай гаплар бор, жазо борми?» лавҳасида Отабой ва унинг оидларига (маълумотларга қараганда, Ҳамза уларни таниган) хотин-қизлар аҳволининг ўта аянчлиги ҳақида фикр юритган.

Ҳамзанинг Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўнсулар институтига сақланган турли характердаги ҳужжатлар орасида қуйидагилари, айниқса, қимматлидир. Ҳамза рафиқаси Зайнаби курсларга жойлаштириш ҳақида дўсти Токимзодага шундай ёзган эди: «...Акамиз... ҳаширмани баъзи насихатлар билан мактабга қўйиб қайтсалар керак». Токимзодининг жавобидан маълум бўлишича, мактуб 1926 йилда хотин-қизларни саводли қилишга аниқ киришилган бир вақтда битилган. Яна бир ерда хотин-қизларни очик юришга ўргатиш, одатлатириш йўлида эрлар билан ҳам катта ташвиқот ишлари олиб бориш кераклиги белгиланади ва бу соҳада иш режалари тузиб қилинганга доир маълумотлар ҳам мавжуд. Мана шундай мураккаб бир шароитда сўзи билан


иши бир бўлган Ҳамза шахсий ташаббус кўрсатиб, қўлида ёш боласи бўлган хотини ўқишга жўнатади.

Ҳамза архивида 1928 йил 21 февралда тузилган бир ҳужжат сақланган бўлиб, унда «Хужум» компанияси даврида Фаргона водийсида ядрилган 8 аёл номи, фонка солир бўлган жой, қўлларнинг номлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилган. Бу ҳужжат ким томонидан, нима сабабдан тузилганлиги ҳақида маълумот йўқ. Ҳужжатнинг ким, ва нима сабабдан Ҳамзага юборилганлиги ҳақида ҳам тафсилот йўқ. Лекин ўша суронли давр вази-ятидан, Ҳамзанинг «Хужум» компаниясидаги актив иштирокидан келиб чиқиб, ҳужжатнинг Ҳамза архивида бўлишига тасодифийлик йўқ дейиш мумкин. Лекин бир нарсани аниқ Ҳамза бу ҳужжатга тез муносабат билдирган. Ўша йилнинг 8 Мартда, яъни ҳужжат тузилгандан икки ҳафта ўтар-ўтмас «Янги Фаргона» газетасида эълон этилган «Узилган чечаклар» шеъри мисраларига 8 аёл номи битилди. Бу шеър ўша йилларда яратилган Ҳамзанинг «Турсуноӣ марсияси», «Ўзбек хотин-қизларига», «Озод хотин-қизлар қўшиғи» асарлари каби халқ ўр-тасида тез машҳур бўлиб кетган эди.

Эргашой ойдек юз очди,
Ҳажд ила бадъатдин қочди.
Топ бағирлик Абдуқодир
Телмурган кўза раҳм этмай
Бўғдан қора қон соди...
Рўзной қитоби қўлида,
«Азрон» ўнгу сўлида
Елбориларга боқмасдан
Қиз-қизил қонга буди...

Эргашой, Сотқибий, Рўзной ва бошқа рўйхатда номлари зикр этилган жаҳолат қурбонларининг умри ичкерида — ҳурликда кетган. Аслининг ўз номи билан қақир унга нисбатан ҳалдан ташқари ҳурмат деб билиб, фалончининг «юни», «ожи-жа» деб аталган аёллар номларини асарга олиб кириш билан жамоатчилик эти-бори фожиявий воқеаларга тортилади, ижтимоий фикр уйғотади. Жасоратларининг аҳамияти таъкидланади. Ҳол-буки, замон ёлган хотин-қизларнинг илми-маърифати, маданият эгаллаш йўлидаги ҳаракатлари, интилишлари таҳсинларга ари-гулик эди. Ҳамза ижоди, фаолияти билан илғор фикрларни, интилишларни қўлаб-қувватлаб келганки бунинг йўқоридида шеър ҳам тасдиқлаб турибди.

Машҳура СУЛТОНОВА.



Ҳамзанинг
100 йиллиги
олдидан

Бу кутлуғ номини қанчалик таърифласан, шунчалик оз. Зеро умрини, ижодини, сўнги томичи қонигача буюк инкилобга бахшида қилган табарруқ инсоннинг шеър ва қўшиқлари, саҳна асарлари муаллифи ҳақида ҳар маҳал сўзлаб турибди.

Ҳамза бу — ўтли қалб, тинмайдиған соз, овозлиқ учун кураш, гўзалликка жон бағишлаш демокдир. Келгуси йилда инкилобнинг оташин фарзандининг 100 йиллиги кенг нишонланади. Юбилей тантаналарига ҳозирдан тайёргарлик кўриломоқда.

Газетамизда ҳам «Инкилобнинг оташин фарзанди» сарлавҳаси остида мунтазам ма-терналлар бериб борилади. Бугун Ҳамза Ҳакимзода Нибзийга бағишланган биринчи саҳифа билан танишасиз.

Етишди ҳамон ўқурга замон

Бир зарра борму ақлу
Ҳақин тингламас ўлди
Тилда бандалик даъво қиламиз
Амрига надоб йўқдир

Миллатнинг ғами фикр, ўйида,
Етишди ҳамон ўқурга замон,
Энди илмисиз яшамоқ гўмон.
Олимларимиз тўнини кўйида
Тун, кунни кезар элнинг тўйида.
Кўнглини овласанг заррача

Ота-оналар сабаб ўлишиб,
Яксон ўлимода гарангу зийрак.
Етишди ҳамон ўқурга замон,
Энди илмисиз яшамоқ гўмон.
Таъсир айлалас дилхаста Нихон
Қилғонинг била минг оху

Ислоҳ ўлмағай элнинг озғина
Ўқув бараваж тушмаса қачон?!
Етишди ҳамон ўқурга замон,
Энди илмисиз яшамоқ гўмон.

1916 йил, май.

Эшонлар

Эшонларнинг ҳолидан,
Сўз очма аҳволидан,
Ҳамон тамаъ ишлари
Халойиқнинг молидан.
Тақво эмис қилишлари
Яъни шундир ишлари:
Фақир молни чайнарга
Ўтқир бўлиб тилларига.
Уламонинг ҳолидан
Хабар ол аҳволидан.

Оқармасдир диллари
Нафосият доғидан.
Ишлари даъволашмоқ,
Бир-бирларидан ошмоқ.
Авоқф учун жон бериб,
Муддирислик талашмоқ.
Шаримсиздир юзлари,
Ошга тўймак кўзлари,
Тўйга бориб, тўн қиймоқ
Ҳамон фикру сўзлари...

1916 йил.

1. Ақвол — сўзлар.

2. Авоқф — вақфлар.

Ҳамза Ҳакимзодининг жўшқин, серқирра ҳаёти ва фаолияти республикамизнинг Қўқон, Фаргона, Наманган, Андижон, Тошкент, Самарканд, Бухоро, Когон, Хива, Ургач, Хўжайли каби бир қатор тарихий йirik шаҳарлари ва қардош республикаларнинг Қизил Арват, Чоржўй, Марй, Ашхобод, Туркистон каби шаҳарлари билан узвий боғланган.

Бундан ташқари, Ҳамза Ҳакимзода Нибзий таржimai ҳолида 1912 йилнинг охиридан 1914 йилнинг ба-ҳоригача хориний мамлакатларга қилган саёфориға алоҳида тўхтаб ўтилади.

Маълумки, Тошкент Ҳамза ҳаёти ва ижтимоий-революцион фаолиятида ўзига хос алоҳида ўрин тутди.

1910 йилнинг баҳорида Ҳамза Тошкентга келади ва «Қўқалдош» мадрасасидаги ҳужралардан бирига жойлашади. Моддий жиҳатдан қийналган тўғийли Машоқир исми ўртоғининг қопсифуруш отеси дў-қонига ишга қиради. Қўндузи ва кечалари ишлаб пул топади. Бироз пул тўплаб, қисқа муддатли ўқи-тувчилар тайёрлайдиган семинарийга кириб ўқийди. Ўша йилнинг ўрталарида уни тугатиб, Тошкентнинг Хўжатарашкан маҳалласидаги Исмаи домланинг ва Собиржон Раҳимийнинг янги усул мактабларида қўйи синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Ҳамза бу мактабларда 1911 йилнинг сентябрга ойгача ўқиту-чилик қилади, сўнгра Қўқонга кетади.

Ҳамза 1912 йилнинг охирида Тошкентга кела-ди ва Боқуга сафар қилиш учун ҳозирлик қўлади. Унинг мақсади Озарбайжон театри ва музика санъ-ати билан қийдан танишиш эди. Тошкент вокзали-да у Арабистонга кетаётган бойваччалар билан ура-шади. Уларнинг тақлифи билан узоқ сафарга жў-нади. Бу машаққатли сафар 1914 йилнинг баҳори-гача давом этди.

1916 йилнинг иккинчи ярмида Қўқонда мардикор-ча олиш сийсатига қарши Петроградга махсус ҳабар юборилди. Бунинг ташаббускорларидан бири Ҳам-за эди. Шундан кейин Қўқон шаҳар амалдорлари Ҳамзадан ўчи олиш пайига тушадилар. Бундан хабар топган дўстлари Ҳамзани кўздан нари қиладилар. У Мурзачўлга, бир оз вақтдан сўнг яна Тошкентга келади. У Тошкентда аста-секин сийсий вазият билан танишади, масаласида биродарлари билан учраша-ди. Шайхонтоҳурда Абдулла Ҳожи, Эски Жувада Маннон. Уйғурлар билан бир неча кун суҳбатда бўлади. «Тўфон» меҳмонхонасида яшайди. Кейинча-лик у шу меҳмонхонада бўлиб ўтган бир хангома асосида «Тошкент» сийсати деган комедиячи аъдан. Орада бир-икки марта, 1916 йилнинг охириги ойларида Қўқонга бориб келади. Сўнг 1917 йилнинг 6 январидан 10 февралгача яна Тошкент-да бўлиб, «Тўфон» меҳмонхонасида яшайди.

Ҳамза яшаган «Тўфон» меҳмонхонаси Октябрь райони колхоз-совхоз бозорларидан чиқаверишдаги «Махсудийлик» маҳалласида. Ҳозир бу иморатга бошқа таъкилот жойлашган.

Ҳамза Ҳакимзода Нибзий 1918 йил 12 апрелдан 20 апрелгача Тошкентда бўлиб, «Туркистон» номли кутубхонада муваққил мўлола билан шуғулланади.

Ҳамза Ҳакимзода Нибзий Тошкентда

сийсий труппаси» деган ном берилди. Янги ном билан аталган труппа Туркистон ҳарбий қисмларига ва меҳнаткаш халққа маданий хизмат қилиш, аҳоли ва Қизил қўшин ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш вазифасини бажареди. Труппанинг аъзолари Тошкентда «Қиёт» маҳалласида, Ҳамза эса «Турон» мактабидидаги бир хонада яшайди.

Ҳамза труппаси 1918 йилнинг декабрь ойгача гастролда бўлади, сўнгра Фарғонага қайтади.

1919 йилнинг апрель ойида Ҳамза яна Тошкентда бўлиб, «Турон» театрининг биносига «Шарк кечаси» ўтказида. Афинада кўрсатилишида кечанинг режис-сери ва суфлери Ҳамзанинг ўзи бўлган. Кеча про-граммисининг асосий қисмининг Ҳамзанинг революци-он шеърлари ташкил қилган.

Турфронт штабининг кўрсатмасига биноан 1919 йил июнь ойида Ҳамза раҳбарлигидаги труппа Тош-кентга чақириб олиниди. Ҳамза труппани яна янги сафарга тайёрлай бошлайди. Чунки, қўрматига би-ноан труппа иккинчи марта Закаспий фронтига бо-риб хизмат қилиши керак эди. Шунинг учун труппа аъзолари ўртасида тарбиявий ишлар билан бир қаторда репетиция олиб борилади.

Ҳамзанинг бу даврдаги ижтимоий кайфияти ва эс-тетиқ тушуғунининг Лазиз Азиззода қуйидагича хирлаганди:

«Ҳамза билан иккинчи учрашувим, агар унутмаган бўлсам, 1919 йилнинг 6 февралда Тошкентнинг «Со-борний», ҳозирги Карл Маркс кўчасида бўлди...

«Шу кунини «Қаллақона» маҳалласидаги Исмаиула деган бир кишининг «Қўқча дарвозасидаги гулбо-ғига чиқиб кетди. Бу ўтиришимизда ўша вақтдаги

«Қўқалдош» мадрасасининг умумий қўри-ниши; Ҳамза яшаган (2-қават, чап томон-да) хужра.

Ўлмас шоирга

(ХАЛҚ ЙУЛИДА)

Булбул-ошиқ бўларди,
Шоирнинг ўлмас сўзи —
Элда қўшиқ бўларди,
Ленин хайкалини тиклаб,

Гулчамбар қўйган Ҳамза,
Дохий Ленин меҳрини
Дилларга қўйган Ҳамза.
Зиё соди элига

Устоз зиёкор Ҳамза,
Айни билан ҳамнафас,
Юртга фидокор Ҳамза.
Дўстлик қўшини порлаб

Иқболимиз барқ урар.
Икки юлдуз ёнма-ён
Эл қалбида чарақлар.
Ҳамза эккан олма, нок,
Гуллади чаман-чаман.
Ўлмас шоирга боқиб
Хайкал тиклади Ватан!

Робиддин ИСХОҚОВ.

Редакциядан

© ҚАДРЛИ ОҚШОМХОНЛАР! Ҳамза-нинг юбилеи — халқимизнинг мада-ний байрамидир. Орангизда Ҳамзани қўрган, билган кишилар бор бўлса, улуғ шоир ҳаёти ва ижодида тааллуқли фотосуратлар, эсда-ликлар, хотираларингизни редакцияга лутфан тақдим этишингизни сўраймиз. Сизнинг актив иштирокингиз билан Ҳамза ҳаётида ўқилма-ган саҳифалар очилса ажаб эмас. Ҳужжатлар-ва суратларни қайтариб беришга қафолат бе-рамиз.

Хат-хабарларингизни кутамиз азиз оқшом-хонлар!

Баҳодир ВАЛИЕВ.



СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) «Тўфон» меҳмонхонаси (Октябрь РХКнинг сойиқ биносиди) шу бинода жойлашган эди; «Тур-кистон» (ҳозирги област) кутубхонаси;

Ҳамза эккан олма, нок
Ошпоқ бўлиб гуллади,
Ҳамза — булбул овози,
Богово жаранглади!
Қуйга солган Ҳамзахон.
Шўроларнинг умрини
Маърифатнинг нуруни —
Дилга солган Ҳамзахон.
Ҳамзахон чалса созин,

Ўзбекистон сополи

ОЛИС АСРЛАР ҚАЪРИ
ДАН ВИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛ-
ГАН БУ ҚАДИМИЙ САНЪАТ
ТУРИ ШАКЛАН МУ-
КАММАЛИГИ, КОМПО-
ЗИЦИОН УСЛУБЛАРИНИНГ
НАФИСЛИГИ ВА НАҚШ-
ЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС-
ЛИГИ БИЛАН КИШНИ
ХАЙРАТГА СОЛАДИ.

НАҚШЛАРГА ДИҚҚАТ
БИЛАН РАЗМ СОЛСАН-
ГИЗ, УЛАРИНИНГ РАНГ-
БАРАНГЛИГИГА, БИРИ-
БИРИГА ҲАММАСЛИГИ-
ГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛА-
СИЗ.

Оқ фояга туширилган яшил феруза ран-
гли ўсимликлар ва гуллар тасвири Риштон
кулочилигида хосидир. Зангори фондаги
оппоқ жимжамдор гуллар — Хоразм во-
ҳасининг кулоллари қўлидан чиққан. Шах-
рисабз сополи шўхчан ранглар жилосидан
халқ усталари қадим замонлардаёқ тоғ
ташиқ топан бўлиб, бунда ёрқин-қизил
тупроқ асосий ўрин тутди. Бу тупроқни
ёнағирларидан топанлар.

Сополи буюмлар квартирангизга ўзига
хос миллий руҳ бағишлайди.
ХИВА, РИШТОН ВА АНДИЖОН
БАДИЙ КЕРАМИКА ЗАВОДЛАРИ
ошхона ва чой сервизлари, кўзалар,



пиёлалар, гулдонлар, конфетдонлар,
миллий ширинликлар солинадиган
идишлар ва бошқа турли хил сопол
термалини ишлаб чиқармоқдалар.
Сервизларнинг баҳоси — 9 сўмдан 20
сўмгача, бошқа буюмларнинг баҳоси
эса 3 сўмдан 15 сўмгача.

БУ БУЮМЛАР ШАХРИМИЗДАГИ
УНИВЕРМАГЛАР ВА МАГАЗИН-
ЛАРДА СТИЛМОҚДА.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ
ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

Чиройли газламадан—чиройли либос



ҚУЙИДА СИЗЛАРГА РАНГЛАР
МУТАНОСИБЛИГИ БОРАСИДА
БИР НЕЧА МАСЛАХАТЛАР ТАВ-
СИЯ ЭТИЛАДИ.

Қора ранг тантанали маросимлар учун
муволаппан. Бу ранг барчага айнақча
ошириб сарф олоққа аёлларга кўпроқ
ярашади. Қора ранг бошқа ранглар билан
айниқча сарин, яшил ва оқ ранг билан ун-
гиз ҳаммадангилик касб этади. Янгар ран-
гиларча тиллаги шерсть костюмларга кў-
проқ муносибдир. Бу ҳолда ёғоч ва керами-
кадан тайёрланган соддагина безаклар бу
костюмга қўшимча детал бўлиб хизмат
қилади.

Қўқ ранг қўндалик кийим-кечакларда
қўқ нелади. Оқ ранг билан уйғунликда ҳар-
қандай ёшдаги аёлни ёшроқ қилиб кўрсата-
ди.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕИТОРГ»НИНГ
43-МАГАЗИНИДА
БАҲОРИЙ ЛИБОСЛАР УЧУН ЖУН
ВА ЯРИМ ЖУН ГАЗЛАМАЛАРНИ ХА-
РИД ҚИЛИШИНИЗ МУМКИН. МАГАЗИ-
НЛАРДА СТИЛМОҚДА ЧИТА, ЕРЕВАН,
ЧЕРНОГОРСК МОБУТ КОМБИНАТЛА-
РИДА ТАЙЁРЛАНГАН ТУРЛИ РАНГЛИ
ҚОРА, ЖИГАРАНГ ВА КЎК РАНГЛИ
СИДИРГА ВА ГУЛДОР ГАЗЛАМАЛАР
МАВЖУД.

43-магазин Ц-15 квартал, Ленин прос-
пекти, 67-уйда жойлашган бўлиб, соат 10
дан 19.00 гача ишлайди. Танафус — соат
14 дан 15.00 гача. Дам олиш кўни —
душанба.

Транспорт: 14, 21-троллейбуслар; 10,
56, 85-автобусларнинг «Мардик монументи»
бекаси.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕИТОРГ» (те-
лефон: 78-72-42).

«Союзторг» Бутуниттифок бирлашмасининг
Ўзбекистон агентлиги.

ТОШКЕНТ САЕХАТ
ТУРИСТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР
БЮРОСИ

ХУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

СИЗЛАРНИ 23 АПРЕЛДА РИГА ШАХРИГА
МАХСУС РЕЙС БИЛАН БОРИЛАДИГАН БИР
КУНЛИК МАРОҚЛИ САЕХАТ КУТМОҚДА.

Путёвка баҳоси — 184 сўм.

ДИҚҚАТ! Тошкент саеҳат ва экскурсиялар бюросининг
путёвкани сотиш бюроси шанба кўнини иш кўни деб
эълон қилади ва соат 9.30 дан 16.00 гача ишлайди.
БОЛТИҚ БУЙИГА ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА САЕХАТ,
21 апрелдан—9 майгача, сафар маршрути: ХАРЬКОВ—
ГОМЕЛЬ — МИНСК — ВРЕСТ — Вильнюс — КАУ-
НАС — КАЛИНИН — РИГА — ТАЛЛИН — ЛЕНИН-
ГРАД — НОВГОРОД — ЛЕНИНГРАД.

Юмшоқ вагонларда бориш, овқатланиш, экскурсия
хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматида қиради.
Бизнинг адрес: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар
хизмати 5-уй.

СССР Алоқа министрилигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
ПУЛЛИ ИККИ ОЙЛИК КЕЧКИ ТАЙЕРЛОВ
КУРСЛАРИДА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА
БЎЛГАН КИШИЛАР, ШУНИНГДЕК МАКТАБЛА-
РИНИНГ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИ-
НАДИ.

Техникум қўйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассис-
лар тайёрлайди: телевизион техника ва радиоузелли ало-
қа, район электр алоқаси ва радиозвонтириш, автомат
электр алоқа, кўп каналли электр алоқа, телеграф ало-
қаси ва маълумотларни узатиш, почта алоқаси, линияли
кабель алоқа иншоотлари, бухгалтерия ўқити (фақат
сиртки бўлима).

Машиқулотлар математика, рус тили ва адабиёти, ўз-
бек тили ва адабиётининг ўзбек ва рус тилларида олиб
борилади.

Бутун таълим курси учун — 16 сўм ҳақ тўланади.
МАШҚУЛОТЛАР ГРУППАЛАРИНИНГ КОМПЛЕКТ-
ЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Справклар ҳосилдан қўйидаги адресга мурожаат қи-
линиши: 700126, Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси,
70-уй, 2-қават, 203-хона (10-троллейбус: 18, 44, 48, 97-
автобусларнинг «Лабзак» 10, 23, 27-трамвайларининг
«Алоқа техникуми» бекати). Телефон: 41-35-04.

ТОШКЕНТ
ОҚШОНИ

Ўзбек ва рус тилла-
рида мустақил равишда
нашр этилади.

«Тошкент оқишони»

(«Вечерний Тошкент») — орган Тошкентского горкома Компартии Узбе-
кистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Ки-
зил Байроқ ордени билан таъинланган Тошкент шаҳри

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 5 АПРЕЛЬ СОНИДА «ЧУН-
ТАК ЗАВОЛИШ САРЛАВХАСИ ОСТИДА ШАХАРДАГИ КО-
ОПЕРАТИВ ОШХОНАЛАРИНИНГ ФАСОЛИЯТЛАРИ ТУГРИ-
СИДА ТАНҚИДИЙ МАТЕРИАЛ БЕРИЛГАН ЭДИ. УНДА
ШАХАРДАГИ БИР ҚАТОР КООПЕРАТИВ ОШХОНАЛАР,
ШУ ЖУМЛАДАН «РУСЬ» КООПЕРАТИВ КАФЕСИ ИШИ
ТУГРИСИДА ҲАМ ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАР АЙТИЛГАН ЭДИ.
БУГУН ГАЗЕТА ЯНА ШУ МАВЗУГА ҚАЙТИДИ. УЗТАГ МУХБ-
РИ Ю. БОНДАРЕНКО ҚУЙИДАГИ МАТЕРИАЛНИ «ТОШКЕНТ
ОҚШОНИ» ГАЗЕТАСИ УЧУН МАХСУС ТАЙЕРЛАДИ.

«Россияга хос
меҳмоннавозлик»

Луқма

Қарор яқдиллик билан қабул
қилинди.

Кўриб кетсин ўша ошхона-
си!

Унинг нималардан тугилган
ни номалум чўчқаралари,
шубҳали салатлари... у ердаги
«узро» хушмуомалалик ва ўз-
ўзига хизмат кўрсатиш жони-
мига тегди.

Бунинг устига, миш-мишлар-
га қараганда, кооператорлар
мижозларга ўз фарзандларини
сийлаётган ота қабил меҳр бил-
лан хизмат кўрсатишар, у ер-
да тайёрланган таомларнинг ўз
онангиз тайёрлаганидан ан-
ақратиб бўлмас экан. Бизни
у ердаги нархларнинг нисба-
тан қимматлиги ҳақидаги ҳар
хил миш-мишлар ҳам тўхтата
олмади.

Қарор қабул қилинганди.

Шаҳар марказида жойлаш-
ган бир неча кафедрани ҳаё-
дан ўтказиб, мағрурона «Русь»
деб аталувчи ертўлачада тўх-
тадик-да, унга томон қатъий
йўл олди.

Ёғоч уй чинакам русларга
хос йўналишдан тўсинлардан
қурилган.

Стул ва ўриндилари ёғоч-
дан,

товоқ ва хурмачалари лой-
дан,

чўчқаранинг ичига гўшт со-
линган,

салатга сметана қўшилган
эди.

Оркестр рус қўшиқларини
инида энг русларга хоси —
«Кора кўзларини ва шу қад-
р русларга хос венгерча
«Чардаш»ни ижро этарди.

Ўқимли Гуля исмли лобар
қиз қора нарма юбка билан
қора галстукли оқ блузка кий-
ган эди. Унинг қўйида нима-
дир қабуртга ўшаб кетар-
ди.

Шундай бўлса ҳам биз ўзи-
мизни ноқулай ҳис этардик —
нимадир етишмасди.

Ана шу диққатликка яқин
шнанилик ва тўйимли овқат-
дан хушроқ ҳолатда биз
ҳисоб-китоб қилишни сўра-
дик.

— Ўттиз етти сўм ўттиз сак-
киз тишин, — деди хуш овоз
билан Гуля.

Биз бир-биримизга тикилиб
қолдик. Тўрт кишилик тушлик,
ана улардан бири суюқ овқат
билан чекланган бўлса, қим-
матроқ тушаётган эди.

Биз тортиниброқ қайта ҳи-
соблаб чиқишни сўрадик.

Шугина етишмай турган
экан.

У, биз гўё унга ноқўя тақ-
лиф билан мурожаат қилган-
дек қарадида, умумий овқат-

ланиш қороналарига хос ургу
билан шарт кесди:

— Мен ҳеч қачон янгиш-
майман!

Диққатлик тутди. Мўмин-
гина мусича кўз ўнгимизда
қирғийга айланган эди.

Аммо бу унинг стратегик
хатоси бўлди.

Бизда умумий овқатланиш
қороналаридидаги ҳар хил жан-
гуд жадалларда синодан ўт-
ган жангчиларга хос туйғу жўш
уриб кетди.

Ниҳоят биз ўз ўрнимизни
топган эдик.

Янги ҳисоб аввалгисидан
роппа-роса икки баравар кам
эди.

Бошқа танлаб ўтирмаймиз.

Энди биз илгаригидек, уму-
мий овқатланиш қороналари
томонидамиз!

Ҳар ҳолда у ерда оз-оздан
жуда борса йиғирма процент-
га уриб қолмади...

Дастлабки кооператив кафе-
лар ташкил этилаётганда биз-
ни, улар гўё давлат кафедрани
билан рақобатни аювудга кел-
тиради, ана шундан кейин дав-
лат кафедрани хизмат кўрса-
тиш ва халоллик борасида ко-
операторларга етиб олишга
мажбур бўладилар, деб сий-
лашган эди.

Қарангки бунинг акси бўлиб
чиқяпти. Айрим кооператор-
лар ишга шундай тез кириш-
диларки, бу соҳада умумий
овқатланиш қороналаридан
қўзиб кетишди. Бу айрим
камчиликларини деб бизни
овунтириб ўтиришнинг ҳожа-
ти ҳам йўқ.

Ошхонада ҳар кўни арифме-
тика билан шуғулланиш жони-
мига тегди. Айниқса, бир туш-
лик беш сўмга тушаётган ко-
оператив кафедраларда шундай
қилишни истамаймиз. Бунинг
учун ўз вазифасини ҳалол адо
этиши лозим бўлган хизмат
кўрсатувчи ходимлар бор.

Янги официант официантили-
ни, мижоз мижозлигини қи-
лиши керак.

Рекламани савдон ҳаракат-
га келтирувчи кўч, дейишди.
Гуля исмли қиз ўз кафедрани
ратини ана шундай қилиб та-
ратди. Адресини эса мен маъ-
лум қилиб қўя қолай. Кефе
Энгельс ва Навоий кўчалари-
нинг бурчагида, «Дўстлик»
меҳмонхонасининг шундайги-
на рўпарасида жойлашган.

Сизларга ўқимли ишгаха ти-
лайман.

Ю. БОНДАРЕНКО,
ЎЗТАГ МУХБИРИ.

Махсус «Тошкент оқишони»
газетаси учун.

ДАВЛАТ МУЛКИ УЎРИЛАРИ

8 апрель кўни «Узмасо-
молторгнинг» 1-холодильни-
гидан 40 килограмм қўй ёғи
ўйрилган юк ортуви.

9 апрель соат 17.00 да
Уйғур кўчасидаги 18-санов
моллари магазинининг «Ки-
зиллар» бўлимидан хотин-
қизлар қўйлагини ўйрилган
Қоракўш массивида исти-
комат қилувчи аёл қўлга туш-
ди.

11 апрель кўни Ф. Хўжа-
ев кўчасидаги кабель заводи
территориясида жойлашган 4-
қехда совуққонлик билан сак-
ланган 46 тахтам пластик
қўйларни ўйрилган шахслар ани-
кланди.

НАРКОТИК МОДДАЛАР
ТОПИЛДИ

Чилонзор массивининг
11-кварталида истикомат қи-
лувчи ўй бекаси И. Обидова-
нинг квартирасидан 10 апрель
кўни милиция ходимлари 20
грамм кўнурни ва наркотик
моддалар билан ўқол қилиш
учун мўлжалланган медицина
асбоб-ускуналарини топиб
олдилар.

ЧАЙОВЧИЛАР

8 апрель кўни Чароғон
кўчасида арвини оширилган
қарандаш саватдан ўй бекаси
Р. Қим қўлга тушди. 9 апрель
кўни Қоракўш бозорига бола-
лар қўйлагини билан чай-
овчиллик қилаётган Р. Юсупо-
ва ва хамиртуруш олиб сота-
ётган Г. Меликова ушланди.

Милиция ходимлари 10
апрель кўни «Лактатор» ста-
дионидида футбол ўйини о-
лдандан чайовчилик билан пул
томоққон бўлган 41-мактаб-
нинг икки нафар 10-синф ўқу-
вчиларини ўйрилган. Уларнинг
ёнидан 200 донна лотерея би-
лети чиқди.

ТОШБАҒИРЛИК

9 апрель соат 8 дан 30
минут ўтганда Волгоград кў-
часидаги Ўзбекистон комсо-
моли 40 йиллик номидаги
маданият ва истироҳат боғи
территориясидан янги туғил-
ган қизалоқ топилиди. Чалалоқ
қасалхонага топширилди.

РЕДАКТОР
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. ҚОРИЕВОВ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИИ БИРЛАШМАСИ
В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИИДА
23. 24. 25 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА
«САМАРҚАНД» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ
ЖЎРЛИГИДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Насиба АБДУЛЛАЕВА

Концерти

Ансамблининг бадий раҳбари — Баҳром АБДУЛЛАЕВ.
Билетлар СССР халқлари дўстлиги саройи кассалари-
да соат 14.00 дан сотилмоқда.

Тошкент шаҳар кинофильмлар прокати идораси
1988 ЙИЛ 18 АПРЕЛДАН ВОШЛАВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ
ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ БАДИЙ
ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«Олтин занжир»

Фильм А. Грининг «Олтин занжир» романи ва ҳикоя-
лари асосида суратга олинган.

Сценарий муаллифлари — А. МУРАТОВ, В. СОСЮ-
РА.

Режиссёр — А. МУРАТОВ.

Ролларда: В. СУХАЧЕВ-ГАЛКИН, В. МАСАЛЬКИС,
Б. ХИМИЧЕВ ва бошқалар.



Фильм қаҳрамони — ўн олти ёшли юнга Санди тақдир
тақозоси билан уланган олтин занжир соҳибини—ажойибот-
ларга тўлиб тошган Галувернинг эртан саройига келиб
қолади.

ДОВЖЕНКО НОМИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«Бир маротаба алдаб»

Сценарий муаллифлари — А. ИНИН, В. БОРТКО.

Режиссёр — В. БОРТКО.

Ролларда: Ю. БЕЛЯЕВ, Е. СОЛОВЕВ, И. СКОБЦЕВА
ва бошқалар.



Фильмда ўзи қабил кўплаб тенгдошлари қатори ижтимо-
ий турғулик йилларида «иккиламчи ахлоқ» принципа-
ри билан боғлиқ кечирган ва ўз талантини ютуқлар ва мод-
дий бойлик кетидан қувишга сарф этган қирқ ёшли рас-
сом Крюковнинг бир неча ҳафталик ҳаёти ҳақида ҳикоя
қилинади.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ШАҲАР ВОДОПРОВОДИ АБОНЕНТЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

СУВ ЎТКАЗИШ ЙУЛЛАРИ ВА ВОДОПРОВОД ТАР-
МОҚЛАРИДА РЕМОНТ-ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ
ОЛИБ БОРИШ ДАВОМ ЭТАЁТГАНИ, ШУНИНГДЕК
1988 ЙИЛ БАҲОРИЙ-ЕЗГИ МАВСУМГА ТАЙЕРГАР-
ЛИК КУРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН

«Водоканал» трести

ШАҲАРНИНГ БАЪЗИ РАЙОНЛАРИДА СОВУҚ
СУВ БОСИМИНИНГ КАМАЙИШИ ВА СУВ БЎЛМАЙ
ҚОЛИШИ ҲОЛАРИ РЎЙ БЕРИШИ МУМКИНЛИГИ
ҲАҚИДА

ЯНА ҚАЙТА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

— 18 апрелдан 19 апрель 06.00 гача — «Шимоли-
Шарқ» ва «ТТЗ» массивларида ҳамда уларга туташган
кўчаларда.

Фарҳод ва Волгоград кўчаларида туташган, Ш. Ру-
ставели кўчасидан Халқлар дўстлиги проспектигача бўлган
масофадаги турар жой массивларида совуқ сув босими
камайиши кутулади.

— 19 апрель соат 9 дан 20 апрель 06.00 гача — Хал-
қа йўли бўйлаб жойлашган «Юнусов» — «Қоракўш»,
Калинин номи, Ҳамза районининг «Лингобод» ва Ленин
ҳамда Сергели районларининг Кўйлик массивларида.

— 20 апрель соат 9 дан 21 апрель 06.00 гача — Сер-
гели ва Қўйишар районларида Цялковский, Ново-Улья-
новск, Свердлов, Х. Олимжон кўчалари бўйлаб, Марказ-1,
1-а, 1-б турар жой массивларида;

— 21 апрель соат 9 дан 22 апрель 06.00 гача — «Чи-
лонзор», Калинин номи массивларида, Чилонзор ва Ак-
мал Икромов районларида, Киров районидидаги Марказ-4,
Марказ-5, Марказ-6 массивларида;

— 25 апрель соат 9 дан 26 апрель 06.00 гача — Фрун-
зе районидидаги Глинка, В. Хмельницкий, Хлопковий, Аб-
дуллаев кўчалари бўйлаб ва уларга туташган кўчалар ва
турар жой районларида;

— 26 апрель соат 9 дан 27 апрель 06.00 гача — Киров
ва Собир Раҳимов районларининг ҳалқа йўли бўйлаб жой-
лашган массивларида;

— 27, 28, 29 апрелда — Б. Хмельницкий кўчасига ту-
ташган кўчалар ва массивларида;

— 29 апрель соат 9 дан 30 апрель 06.00 гача — Генс-
рал Петров массивида сув бўлмайдиган ва Догостон, М.
Горький кўчалари бўйлаб ва унга туташган районларда
сув босими камайди.

Справклар учун телефонлар: 56-06-06, 33-15-95, 33-
75-95.

Театр

НАВОИЯ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 19/IV да Борис
Годунов, 20/IV да Тошкент
давлат консерваторияси опера
студиясининг спектакли —
Савелий сартарош, 21/IV да
Хива ордени.

МУКМИН НОМИДАГИ ҲЗ.